

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

№8(65)

2020 й., август

орқали ифодаланади. Яна шундай тиллар борки (масалан, хитой-тибет, дравид ва бошқалар), уларда мазкур маъноларнинг барчаси аффикслар орқали эмас, балки ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби ва бошқа номорфологик воситалар ёрдамида ифодаланади, бунда аффикслар иштирок этмайди.

Контрастив морфологияни яратиш олдиндан чоғиштирилаётган тилларнинг сўз ўзгартирувчи аффикслари билдирган грамматик маънолари мукамал ўрганиб чиқирилишини талаб этади. Танлаб олинган тиллар жуфтлигини контрастив жиҳатдан ўрганишда фақатгина тилларга хос бўлган ҳолатлар қиёсланади. Тиллар систем тузилиши жиҳатидан қанчалик бир-бирига яқин бўлса, қиёслаш асослари шунчалик кўп бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Uluqov N. Tilshunoslik nazariyasi. – Toshkent: Barkamol fayz media, 2016. – B. 139.
2. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. – М.: ФИЗМАТЛИТ, 2005. – С. 103.
3. Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. – М.: Либроком, 2010. – С. 93.
4. Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики – Тошкент: Фан. 2007. – С. 77.
5. Yusupov U. Contrastive Linguistics of the English and Uzbek Languages. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б. 54.

УЎК 81-13

“ЖАННА Д’АРК” РОМАНИДА ОБРАЗЛАР ТИЗИМИ

Ф. Икромхонова, п.ф.н., доц., Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада Марк Твен яратган тарихий воқеалар, бутун асарнинг композицион қурилиши, тарихий воқелик, тарихда Жанна Д’Арк каби тарихий шахснинг яшаб ўтганлиги, ёзувчи ўзини ўйлантирган, қийнаган савол, масала ва муаммолар тизимини бадий образлар тизими орқали акс эттирилганлиги ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: образ, воқелик, сюжет, тарихий шахс, портрет, диний ақида, ҳодиса, тарихий жанр.

Аннотация. В статье рассматриваются исторические события, созданные Жанна Д’Арком, композиционная структура всего произведения, историческая реальность, существование в истории такой легендарной личности как Жанна Д’Арк, система вопросов и проблем писателя, представленных с помощью совокупности художественных образов.

Ключевые слова: образ, реальность, сюжет, историческая фигура, портрет, религиозная вера, событие, исторический жанр.

Abstract. The article considers historical events, created by Janna D’ark, compositional structure of the whole artwork, historical reality and existence of such legendary person as Janna D’ark in the history, system of questions and problems of the author submitted by a complex of artistic images.

Keywords: image, reality, plot, legendary person, picture, religious faith, event, historical genre

Бадий асарларнинг образлар тизими дейилганда баъзилар асардаги персонажларнинг умумий тизимини тушунади. Аслида бу нисбатан кенгрок маънодаги атама бўлиб, “бадий воқеликни ташкил этаётган жами (нарса, ҳодиса, жой ва ҳ) образлардан таркиб топади. “... Чунки образлар тизимидаги барча образлар бир-бири билан узвий алоқада бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради, изоҳлайди, ойдинлаштиради” [1]. Олимлар илгари сурган назарияга кўра, нарса, ҳодиса, жой, персонаж тасвири умумий маънода образ бўлиб, улар биргаликда яхлит тизим ташкил этади ва бу тизим образлар тизими дейилади. Масалан, романдаги жой тасвири, яъни пейзаж санъат нуқтаи назаридан гўзал тасвир бўлиб, алоҳида олганда ҳам табиат гўзаллиги сифатида кўрилиши мумкин. Бироқ ана шу пейзаж ва унда келадиган персонаж орқали иккала образнинг ўзаро муносабати ва уларнинг роман композициясидаги ўрни белгиланади, ёхуд портрет ёки пейзаж (масалан, ўрмон ёки майсазор) сюжет линиясидаги бошқа воқеа образи билан биргаликда яхлит жараёни ифодалайди. Кўринадики, ёзувчи аниқ макон (пейзаж) тасвири орқали ўтган воқеани замон ва макон бирлигида ифодалайди. Бунда пейзаж ва унда кечган воқеа алоҳида образ сифатида олинса,

мазмуний таъсири кучсизланади, яхлит воқелик сифатини йўқотиб қисмга айланади. Агар улар ўзаро алоқада эканлиги англаниб, бир тизим сифатида баён этилса, бадиий асар сюжет линияси янада таъсирлироқ кўриниш олади. Масалан, “Эдмонд Обрэннинг онаси, бир куни кечкурун Муқаддас дарахт ёнидан ўтаётганда уч юзтача парилар байрам уюштиришгани, жўр бўлиб, қўшиқ айтиб, бир-бирларининг қўлларини ушлаганча, оёқлари ердан узилган ҳолда ракс тушаётганини кўриб бу хабарни барчага етказди. Одамлар ғазабга миниб париларни ҳайдашга киришадилар, уларга эса руҳоний ота Фронт бошчилик қилади. Бу пайтда эса Жанна иситмаси чиқиб касал бўлиб ётар, у париларни қутқаришга боролмайди. Эртасига тузалгач эса руҳоний ота билан учрашиб, унга тавозеъ кўрсатиб, сўнгра сўз бошлайди: “Агар парилар яна ўзларини одамларга кўрсатсалар, бутунлай бу ердан кетишлари лозим эди, шундай эмасми?”, “Ҳа, айнан, шундай, азизим”, “Агар ярим тунда бир кишининг ётоғига кирса-ю, у одам яланғоч ётган бўлса, ётган одамни бошқаларга ўзини кўрсатяпти, дейиш даражасида адолатлимисан?” – Эй, йўк, йўк! – Меҳрибон руҳоний ота бунга айтганда безовталанди ва ўзини йўқотганча жавоб қилди. “Гуноҳқорни ҳаёл қилганинг учун, наҳотки, сен гуноҳни амалга оширишни ният қилмаган бўлсанг ҳам гуноҳқор бўлиб қолаверасанми?”, “Руҳоний ота Фронт иккала қўлини осмонга кўтарганча илтижо қилди: О, бечора, кичкинтой болам, мен айбимни тушуниб турибман,” деди-да Жаннани ёнига тортиб, у билан ярашишга уринди. Аммо Жаннанинг шашти шу қадар баланд эдики, қиз бирданига тинчлана олмади. Бошини кўксига босганча, йиғлаб юборди: – Демак, парилар ҳеч қандай гуноҳ қилишмаган, деди у, улар айб иш қилишни истамаган, улар одам яқинлашганини сезишмаган. Улар кичик жонзотлар бўлганликлари учун ва қонун фақат уларнинг айбсиз ҳаракатлари учун эмас, фикрига қарши бўлгани учун, ўз ҳимоялари учун улар бир оғиз сўз айта олмаслар. Улар бу оддий нарсани ўйлаб айтишга қодир дўстлари ёнларида бўлмагани учун ўз қадрдон гўшаларидан чиқариб юборилган ва бу нотўғри, адолатсизлик!) [2].

Келтирилган парчадаги воқеа умумий ҳолатда Домремидаги кишилар ҳаётини ифодалайди, у ўша давр кишилиқ жамиятининг кичик образи ҳисобланади. Унда кишиларнинг дунёқараши, ишонувчанлиги ва соддалиги кўрсатилган. Шунингдек, христиан дини одамлар онги, тушунчаси, тафаккурини ўз ақидаларига тўла бўйсундириб олаётган пайт бўлиб, христианликкача бўлган анимистик дунёқараш инкор қилинади.

Юқоридаги суҳбат аслида узоқроқ давом этади. Бироқ келтирилган парчанинг ўзидан Фронт исмли руҳоний ота ва қизалоқ Жаннанинг образлари ўзаро муносабатга киришиши, уч юзга яқин париларни ўз уйларида ҳайдалиши билан боғлиқ воқеага муносабат билдириш мумкин. Бу ердаги икки персонаж, парилар ва уларнинг ҳайдаш маросими образ сифатида ўзаро муносабатга киришиб, персонажлар суҳбатининг асосий мазмунини ташкил этган. Бунда ёзувчи аниқ маконда яшовчи парилар ва уларнинг кишилар кўзига кўриниши билан боғлиқ воқеа орқали Жанна шахс сифатида қатъиятли, ҳозиржавоб ва энг муҳими, тунда париларнинг уйига яқин келган одам аслида айбдор эканлигини, париларнинг айбсиз эканлигини мулоҳаза қилиб топган. Бундай мулоҳаза катталарнинг ҳам ҳаёлига келмаслиги мумкин. Бироқ Жанна руҳоний отанинг адашганини ўз асослари билан исботлайди. Демак, Жанна образида қатъият, теран фикрлаш борлиги кўринади. Аммо бу бошқа образлар билан бир тизим сифатидаги муносабатда юзага чиққан. Шу ерда Жанна, руҳоний ота, парилар, Эдмонднинг онаси, тун, парилар ўтказган байрам турли даражадаги образлар бўлиб, яхлит ҳолда аниқ ҳодисани намоён этган. Бундан ташқари, руҳоний ва Жаннанинг ўзаро самимий муносабати, томонларнинг бир-бирларини тушунишлари, Жаннанинг қатъияти кучли ва шашти баландлиги суҳбатда муҳокама қилинаётган муаммонинг қиз учун нақадар долзарб эканлигини кўрсатади. Ҳатто қишлоқ руҳонийси ҳам ўз айбини тан олиб, қизни тинчлаштиришга интилади. Бу ердаги образларнинг ўзаро тизими юзага келишида вазиятнинг ўрни муҳим саналади. Вазият бир воқеликнинг образи сифатида иккала образнинг ички оламини ифодалайди. Руҳоний иложсиз, у кекса ва юраги бўш, иккинчи томондан эса диний ақидалардан четга чиқолмайди. Жанна эса иштиёқи баланд, парилар ва улар яшайдиган дарахтни ҳимоя қилади.

Бундан ташқари, юқоридаги парчада қадимги французлар тафаккурида яшаб келган тотем (дарахтга нисбатан), анима (парилар) каби илк диний тафаккур шакллари яшаб келаётгани, бунга қарама-қарши равишда христианлик фалсафаси ва тушунчаси учун курашиш кишилар онги ҳали у қадар ривожланмаганини кўрсатса, иккинчи томондан Жанна

д' Арк туғилиб, вояга етаётган мухитнинг маънавий қиёфаси тўлиқ кўрсатилган. Бу бир томондан ҳали ижтимоий ёвузлик, даҳшатли жоҳиллик, дунёда париларга қарши маросимдан ҳам жожеалироқ тубанликлар борлигини тўла англаб етмаган кишилар жамияти, иккинчидан эса жамият тараққиётининг бир босқичдан иккинчисига ўтиб, табиий такомиллашиб бориш жараёни сифатида ҳам диққатга сазовор ҳисобланади. Бунда рухоний ота бошлиқ догматик қарашларга эга яккахудолик тарафдорлари бир тараф бўлса, Жанна ва унинг ёшидаги болалар иккинчи томон бўлиб, ўзларининг ҳурфикрлиги, дунё ранг-баранглиги ҳақидаги тушунчаларини асраб қолишга интилишади.

Мазкур воқеа ҳам образ саналиб, бу билан ёзувчи бошқа романларида бўлгани каби бу ерда ҳам болаларнинг самимий олами олдида катталар ҳам бош эгишини кўрсатади. Шу ерда муаллиф ўзининг анъанавий тасвир тамойилидан чекинмаган ҳолда янги образ-воқеани яратганига гувоҳ бўлинади.

Шунингдек, юқоридаги парчада тилга олинган образ – Эдмонд Обрэнинг онаси бежизга бемахалда юргани ва турли нарсаларни сўзлаб юргани келтирилмайди. Демак мазкур аёл характерида кутилмаган ҳодисаларга ўчлиги, ўзини кўрсатиш, мақтаниш, кизикқонлик борлигини баён қилар экан, худди шундай характер унинг ўғлида ҳам борлигини ёзувчи қайд этади: "Now that is certainly a lie, for it runs counter to our Salic law, and so is not legal and cannot have effect," said Edmond Aubrey, called the Paladin, because of the armies he was always going to eat up some day [2]. (*Албатта, бу ёлгон эканлиги аниқ, чунки бу бизнинг қонунларга (яъни ўша пайтдаги француз диний қонун-қоидаларига кўра, француз монархиясида аёллар тахт вориси бўла олмас эди. Бундай қонун "салик қонуни" дейиларди – Ф.И.) зид, демак, бу ноқонуний, унинг нияти эса амалга ошмайди, – деди Паладин лақабли Эдмонд Обрэ. Бу лақаб унга ажойиб кунларнинг бирида душманининг оғзига уриб учуриб юборишини айтиб кўп мақтангани учун қўйилган*). Демак, онанинг қандайлиги ўғли билан боғлиқ.

“Маълумки, тарихий мавзуда, тарихий жанрда ижод этишнинг ўзига хос мураккабликлари ва қийинчиликлари бор. Бу йўналишда бирор асар ёзиш муаллифдан катта иқтидор ва чуқур билимни – тарих диалектикасини теран таҳлил қила билишни талаб этади” [3]. Тарих диалектикасига кўра эса воқеалар индивидуалликдан умумийликка қараб боради. Яъни ёзувчи роман бошидан Доремилик болаларнинг самимий, фидойи, ватанпарвар, эътиқоди мустаҳкам ва бироз мистик қарашларга эғалигини баён қилар экан, ўқувчини секин-асталик билан ҳақиқий тарихий воқеаларга олиб қиради. Бундай жожеали кунлар асар бошида Луининг оиласи билан боғлиқ баёнда қисман келтирилган, кейинчалик оқшом келган қочоқ жангчи, қора байроқ каби деталь-образлар орқали таъкидланган. Айнан байроқдан кейин қишлоққа қайтган болалар энди тарихий сиёсий воқеа улар қишлоғига, ҳаётига бевосита таъсир этишига гувоҳ бўлишади. Натижада баёнда ҳам энди шунга ишора қилувчи деталлар, тил бирликлари, рамзий ифодалардан фойдаланади.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, образлар тизимидаги хронотоп, бадий вақт, макон ҳам алоҳида ўринга эга. Марк Твен акс эттирган тарихий воқеалар тасвирида вақт нисбатан субъективроқ кўринади. “Агар вақтнинг ўзига хос моделлари ҳақида гапирадиган бўлсак, бадий вақт, нисбатан индивидуаллашган ва субъективлик касб этади: ҳар бир персонаж шахсий вақт концепциясига эга” [4]. Яъни, романдаги болалар кечаётган вақт ва ундаги воқеаларни ўзларининг шахсий муносабатларидан келиб чиқиб қабул қилишмоқда. Натижада образларнинг фикр-мулоҳазалари ортида умумий маконга бўлган муносабат яхлитлиги сезилса-да, образларнинг ички олами, дунёқарашида кескин фарқлар намоён бўлади. Масалан, Жанна ва инглизпараст рухоний образининг индивидуал вақти мавжудлигини кўриш мумкин. Рухоний инглизлар қўли остида янги замон келгани ва энди мамлакат гуллаб-яшнашини таъкидласа, Жанна ва унинг аксарият ҳамқишлоқлари бутун Франциянинг ўн йиллар давомидаги фожиаси уларга ҳам етиб келганини англашади. Бу ердаги персонажларнинг ички вақти кечаётган воқеликка бўлган муносабатдан келиб чиққан. Яъни улар Франциянинг озодлиги ва қўллиги ҳақидаги икки позициядаги икки хил вақт концепциясини англашмоқда. Айнан ана шундай хусусият романдаги образлар муносабатини янада драматик, янада трагик тасвирлашга олиб келади. Бадий вақт ва образлар тизими ҳақида сўз борар экан, бадий макон ҳақида ҳам гапириш лозим бўлади. Бу ердаги бадий макон ҳам икки хил кўринишда берилган. Биринчиси бутун Францияни ягона

макон деб билувчи образлар бўлиб, улар тарихий коллизияларни камраган улкан маконни тушунишади. Иккинчиси эса кичик маконни тушунувчи образлар бўлиб, улар маълум қатлам, аниқроғи Бургундиялик ва инглизпараст кишилар бўлиб, улар учун макон ўзларининг шахсий дунёқараш, тушунчаларидаги нисбатан торроқ маконни англашади. Бу макон ўзларини тириклиги билан боғлиқ, холос. Макромаконни тушунган образлар эса ватан тарихи ва келажигини боғловчи кенг қамровли маконни назарда тутишади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 206.
2. Twain, Mark. Personal Recollections of Joan of Arc. Published: 1896. – P.13-20.
3. Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон: Адабий ўйлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – Б.16.(224).
4. Шутая Н.Л. Типология художественного времени и пространства в русском романе XVIII – XIX вв. Автореф.диссер. на соискание ученой степени док. фил. наук. – Москва, 2007. – С.32.

УЎК 808.5

ЧЕТ ТИЛ ТАЪЛИМИДА ҲИКОЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ХУСУСИДА

М. Кукибоева, мустақил тадқиқотчи, Наманган давлат университети, Наманган
Д. Маматова, мустақил тадқиқотчи, Наманган давлат университети, Наманган

Аннотация. Ушбу мақолада чет тил ўқитишида бугунги даврда энг самарали ёндашувлардан деб ҳисобланган коммуникатив ёндашув асосида тил ўқитишида қисқа ҳикоялардан фойдаланишнинг ахамияти ва самараси ҳақида фикр юритилади.

Калим сўзлар: тил ўқитишида коммуникатив ёндашув, лингвистик компетенция, коммуникатив компетенция, тил қўникмалари интеграцияси, аутентив машқ ва топшириқлар

Аннотация. В настоящей статье рассматриваются значение и эффективность использования коротких рассказов в обучении иностранному языку на основе коммуникативного подхода к языковому образованию.

Ключевые слова: коммуникативный подход к обучению языку, лингвистическая компетентность, коммуникативная компетентность, интеграция языковых умений, аутентичные виды деятельности и задачи.

Abstract. Current article outlines the advantages and benefits of using short stories in foreign language teaching through communicative approach to language education.

Key words: communicative approach to language teaching, linguistic competence, communicative competence, integration of language skills, authentic activities and tasks

Замонавий тил ўқитиш жараёни ривожланиб, такомиллашиб бораётган бугунги кунда ҳар бир чет тил ўқитувчиси ўз ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва олиб боришда устозлар, шу соҳанинг билимдонлари, методист олимлар яратган мактаб сабоқларини ўрганиб ўз ишига татбиқ этишдан ташқари ўз ўқитиш жараёнидаги топилмалари, хулоса, тажриба ва ютуқлари ҳақида ўз касбдошлари билан ўртоқлашиб бориши ҳам бугунги кун чет тил ўқитувчиси олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги 2909 сонли қарори негизида ҳам республикаимизда фаолият кўрсатаётган чет тил ўқитувчиларини ва шаклланиб келаётган ёш кадрларни замон талаби билан ҳамнафас бўлиши, тил таълимида сифатни ошириш ва бунинг учун ислохотни ўқитувчининг ўзидан бошланиши масаласи ётибди.

Ушбу мақолада чет тил ўқитишида бугунги даврда энг самарали ёндашувлардан деб ҳисобланган коммуникатив тил ўқитишида қисқа ҳикоялардан фойдаланишнинг ахамияти ва самараси ҳақида фикр юритилади.

Машҳур инглиз методист олими Джек С. Ричардснинг “Коммуникатив тил ўқитиш бугунги кунда” деб номланган китобида таъкидлашича, коммуникатив тил ўқитиш методи асосида олиб бориладиган дарсларнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари ажратиб кўрсатилади: